







ХАТ ташувчи Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани «Катта Қатын» маҳалласининг Шодлик кўчасидаги 11-уйда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мавлонбек Пулатбековга «Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сонини қолдириб кетди. У кўзойнагини тақиб, газетадаги расм ва мақолаларга бирма-бир кўз югуртира бошлади. Диктантини «Муқаддас бурч» номли мақола ўзига тортиди. Уни синчиқлаб ўқий бошлади: «Ҳа, урушдан ҳамма ҳам қайтиб келмади. Урушнинг тугаганига салкам ярим аср бўлай деса-да, бугунги фаровон турмушимиз учун шахид бўлганларнинг ота-оналари, қаринош-уруғлари, онда аъзолари ҳамон уларни муштоқлик билан кўтиришмоқда. Улар ўз жигарбандларининг тақдирини билан қизиқишмоқда. Шу муносабат билан мен 1978 йилдан бери СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳрида жойлашган Марказий архивдаги ҳужжатларни ўрганиб, маълум уруш туғайли ота-онаси, ака-укаси, фарзандлари, умр бўлдоши, қаринош-уруғлари ва яқин бишларини тақдирини ҳақиқатга биланмай юрган ҳамюртларимизнинг айрилиқ дардини бироз бўлса-да енгиллатиш мақсадида марду майдонлар дафи этилган жойлари аниқлаб, уларни интиқлик билан кутаётганларга етказмоқдам. Қўйида тошкентликлардан ўн киши дафи этилган жойларини маълум қиламан:

**ПУЛАТБЕКОВ МАВЛОНБЕК**, 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Самарқанд дарбоза кўчасидан. 1943 йил 12 август кунини Смоленск вилоятининг Ельня туманидаги Малое Тесное қишлоғидан 800 метр шарқ томонда дафи этилган. (Бу сатрлар «Тошкент оқшоми» газетасининг 1986 йил 28 январь сониде босилган Мажид Самадовнинг «Муқаддас бурч» номли мақоласидан олинди).

Мавлонбек ака ўзи ҳақидаги бу нохуш хабарни ўқир экан, кўз олдига қоронғулашиб, беихтиёр бўшашиб кетди, леопонасини совуқ тер босди. Ҳаёлида уруш билан боғлиқ воқеа, ҳодисалар бирма-бир жонланиб, худди кино тасмасидек кўз олдидан ўта бошлади.

У эл-юрт қатори урушнинг биринчи куниданоқ Ватан ҳимоясига сафарбар бўлди. Илк бор Мелитополь шаҳри яқинидаги Федоровка станциясида душманнинг ҳаво ҳужуми вақтида енгил ярадор бўлди. Госпиталда даволаниб чиққан, зобитлар таъбирлаш қисқа муддатли курсини тутатди. Сўнг 1942 йилнинг ноябрдан 1943 йилнинг 13 февралгача Сталинград мудофаасида бўлиб, ҳаёт-мамот жангларига фаол қатнашди. 1943 йилнинг май ойидан бошлаб эса 2-Белоруссия fronti таркибидеги 556-гвардиячи ўқчилар полкида пулемётчилар взводи командири лавозимида хизмат қила бошлади. Бу қисм Смоленск шаҳри, Ельня туманини душмандан озод қилиш учун қаттиқ жанглар олиб борди. Ана шу жангларда кўрсатган алоҳида хизматлари учун полк командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Коцюбинскийнинг шахсан ўзи гвардиячи жангчи Мавлонбек Пулатбековнинг кўкрагига «Жасорати учун» медалини тақиб қўйди...

Табиийки, «Оқшом»да чиққан ўша кунги мақола уни ўқиган, эшитганларини қаттиқ ҳайронга солиди. Муаллифнинг амалга ошириб қайрилган ишига ёни ўз сўзи билан айтганда «қалб амира» билан баҳарайитган қизини фаолиятига қатта қизиқиш уйғотди. Мавлонбек янашун қўн-қўшини, қаринош-уруғи, ёру биродарларини унинг олдига келиб, масалага

аниқлик қиритишни илтимос қилишди.

— Нима бўлган эди ўзи? Мавлонбек ака бунга жавобан ўзига хос босиқлик билан бўлган воқеани қўйидагича ҳикоя қилди:

— Дарҳақиқат, мен 1943 йилнинг 12 август кунини Смоленск вилоятининг Ельня туманидаги Малое Тесное қишлоғини озод қилишдаги жанговар операция вақтига оғир ярадор бўлдим. Дushman самолётидан биз томон тугшган снаряд чуқур ҳосил қилиб, мен унинг ичига тушиб қолдим. Бир амаллаб чуқурдан чиқаман деб ҳаракат қилаётганимда душман танкларини пайдо бўлиб, унинг атрофидаги тупроқларни устимга суриб кетди. «Улганни кўмган» деб шунга айтишса керак-да. Аҳволим оғир, қимирлашга ҳолим йўқ. Қўлогимга танкларнинг гумбир-гумбири, отишмаларнинг шов...

### \* Жасоратнома БИР ЎЛИБ ТИРИЛГАН



қини қиради. Эс-ҳушим жойида, қандай бўлса-да, тупроқ остидан чиқишга ҳаракат қиламан. Овозим чиқмайди, худди тиллим танглайимга ёпишиб, ичимга тушиб кетгандай. Бир амаллаб, устимдаги тупроқни бироз енгиллатиб, шу ерда инки-уч кун қолиб кетдим. Гарчи ўлим чағалида, тупроқ остида кўмилиб ётсам ҳам, сира ўлгим келмасди. Одатда жангдан кейин ярадорлар қидириб топиларди, шунга умид қилиб, ётабердим. Мен ётган жойдан аввал танклар ўтиб, ҳаммаёқни текислаб, шибабалаб кетгани учун бўлса керак, бу ердан ўтиб кетаётган аскарларимиз тасодифан мени кўриб қолишди-ю, аранг тупроқ остидан тортиб олишди.

Кейин мени аравага солиб медресабатга юборишади. Тақдирини қарангиз, бу ерда аввалги сафар ярадор бўлганимда мени даволаган докторимга яна дуч келиб қолдим. Вирос ўзимга келгач, мени Москвадаги ҳарбий госпиталга юборишди. У ерда узоқ даволандим. Ўша кунини Малое Тесное қишлоғини душмандан озод қилиш учун ниҳоятда қаттиқ жанг бўлган эди. Ажаб эмас, кўпчилиги қурбонлар қатори

мен ҳам ўлганлар рўйхатига чалкаш тушиб қолган бўлсам. Чунки мен ҳақиқатан ҳам оғир ярадор бўлиб, қафасиз лўрга тушган, устимга тупроқ тортилган, лекин ўзим жисман тиррик эдим!

Орадан кўп ўтмай, «Тошкент оқшоми»нинг 1986 йил 12 февраль сониде Қобил Қаримбековнинг «Ўлимларни қолдириб доғда...» номли мақоласи эълон қилинди. Унда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 3-гурӯҳ ногирони, инки марта 1 даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени, кўша-кўша медаллар ишондорди. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, мухтарам устоз Мавлонбек Пулатбековнинг ҳаёт эканлиги, унинг 40 йилдан ортиқ Алишер Навоий номли мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келаётгани ҳақида маълум қилинган эди.

Бу ерда гап Марказий архивга жангчи Мавлонбек Пулатбеков ҳақида ногўргу маълумот тушиб қолгани хусусида эмас, балки ўз касбининг фидойиси, отахон журналист Мажид Самадовнинг бегиним изланишлари боис ўлимларни доғда қолдирган Мавлонбек Пулатбеков сингари ҳамюртларимиз тақдирини маълум бўлганидадир.

Қизини шундан, орадан инки-уч ҳафта ўтгач, хат ташувчи олати бўйича Мавлонбек Пулатбеков номига ёзилган мактуб келтирди. У хатни қўлга олиб, бироз ўйланиб қолди. Хат ўзи аввал танимаган одамдан бўлиб, унда қўйидагилар баён қилинган эди:

«Ассалому алайкум ҳурматли Мавлонбек ака!

Мен 15 январдан бери СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда изланишни давом эттиришмоқдам. Бу ерда 15 мартгача бўламан. Бу ерда жунаганимдан сўнг, 28 январь кунини «Тошкент оқшоми»да «Муқаддас бурч» номли мақола босилибди, 12 февраль кунини эса, Қобил Қаримбековнинг «Ўлимларни қолдириб доғда...» номли мақоласи еритилибди. Уларни менга уйдан юборишгач, ўқиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Бунга сабаб, Сизнинг ҳаёт эканлигингиздир. Ҳаёт экансиз, умрингиз яна ҳам узун бўлсин!

Мавлонбек ака! Газетада ёзилганидек, дафи этилган жойларини аниқланган 5000 га яқин ҳамюртларимиздан 68 киши тиррик бўлиб чиққан эди. Сиз энди олтинчи тўққизинчи бўлдингиз. Қолган гапларини учрашган пайтиимизда гаплашамиз.

Хурмат билан Мажид Самадов, 19 февраль, 1986 йил».

Ҳикояимизнинг яна бир томони шунданки, «Муқаддас бурч» мақоласи муаллифи Мажид Самадов билан Мавлонбек Пулатбеков учрашиб, узоқ йил бир-бирларини кўрмаган оғайнилардек, қўнчоқ очиб кўришишди, уруш хотиралари билан узоқ ўртоқлашишди.

— Ақалим етмаган экан, 1944 йилнинг мартда туғилиб ўсган Катта Қатын қишлоғидаги қўлтўнтайдаки кириб келдим, — деди Мавлонбек ака сўхбатдошига. — Мактабда расм ва чизманинликдан дарс бери боламиз. Хоэир маҳалламиз фаолларидан бириман. Худога шукр, 5 ўғил, 3 қизим. 30 нафардан ортиқ невараларим бор. Дунёда мендан бахтли, бадаълат одам бўлмаса керак. Энди фақат юртимизда, дунёда тинчлик бўлсин!

Бу учрашув давомида маълум бўлишича, бу инки жангчи отахонлар уруш йиллари 159-гвардиячи ўқчилар дивизиюсида бирга, ёнма-ён қисмларда хизмат қилишган экан! Мана ҳаёт, мана инсон тақдирини!

Искандар РАҲМОН,  
© СУРАТДА: Мавлонбек Пулатбеков.

## ТИЖОРAT ЖАБАРАЛРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

УРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ  
«ТОШКЕНТ — ЙЎЛОВЧИ» СТАНЦИЯСИ БУЙИЧА  
ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ  
1993 йил 23 майдан бошлаб  
(маҳаллий вақт билан)  
Марказий вокзал

Поезднинг тартиб рақами	Йўналиши	Қатнов кунлари	Келиш вақти соат минут	Тўхтаб туриш вақти минут	Жўнаш вақти соат, минут
371	Тошкент—Барнаул	21/06 дан 13.09 гача душанба кунлари			0.55
372	Барнаул—Тошкент	20/06 дан 12.09 гача яшанба куллари	18.20		
235	Андижон—Самара	ҳафтасига 2 марта душанба, чоршанба кунлари	2.15	20	2.35
236	Самара—Андижон	ҳафтасига 2 марта яшанба, жума кунлари	21.05	20	21.25
5	Тошкент—Москва	ҳар кунини			4.45
6	Москва—Тошкент	ҳар кунини	10.21		
199	Тошкент—Иркутск	яшанба, чоршанба, жума кунлари			5.50
200	Иркутск—Тошкент	душанба, пайшанба, шанба кунлари	17.40		
373	Тошкент—Омск	27/05 дан бошлаб			12.00
374	Омск—Тошкент	кунора, тоқ кунларда			
85	Тошкент—Москва	27/05 дан бошлаб	8.45		13.10
86	Москва—Тошкент	кунора, тоқ кунларда			
19	Тошкент—Семипалатинск	24/05 дан бошлаб	4.43		14.00
20	Семипалатинск—Тошкент	кунора, жуфт кунларда			
215	Тошкент—Целиноград	24/05 дан бошлаб	7.50		14.00
216	Целиноград—Тошкент	кунора, жуфт кунларда			
379	Тошкент—Қозоғ	25/05 дан бошлаб	11.55		16.40
380	Қозоғ—Тошкент	июнда: 12, 16, 20, 24, 28, июлда: 2, 6, 10, 14, 16/07 дан 10/09 гача			
381	Тошкент—Уфа	кунора, жуфт кунларда	7.25		16.40
382	Уфа—Тошкент	июнда: 12, 16, 20, 24, 28, июлда: 2, 6, 10, 14, 16/07 дан 10/09 гача			
201	Тошкент—Новосибирск	27/06 дан 7/09 гача	7.25		17.20
202	Новосибирск—Тошкент	тоқ кунларда			
113	Тошкент—Челябинск	27/06 дан 7/09 гача	14.35		19.50
114	Челябинск—Тошкент	кунора, жуфт кунларда			
115	Тошкент—Екатеринбург	июлда: 14, 20, 26, августда: 1, 8, 14, 20, 26, сентябрда: 4, 11, 17, июлда: 14, 20, 26, августда: 1, 8, 14, 20, 26, сентябрда: 4, 11, 17	5.45		19.50
188	Бишкек—Жалолобод	ҳар кунини	12.25	20	12.45
187	Жалолобод—Бишкек	ҳар кунини	20.28	15	20.43
33	Андижон—Москва	ҳар кунини	20.50	20	21.10
34	Москва—Андижон	ҳар кунини	21.15	20	21.35
24	Москва—Душанба	24/05 дан бошлаб	21.50	20	22.10
595	Тошкент—Харьков	кунора, тоқ кунларда	18.30	20	18.50
596	Харьков—Тошкент	11/06 дан 27/08 гача жума, сешанба кунлари	17/06 дан 2/09 гача		22.30
924	Тошкент—Душанба	пайшанба, душанба, кунлари	22.00		8.50
923	Душанба—Тошкент	ҳар кунини	3.05		
929	Тошкент—Петропавловск	23/05 дан бошлаб			18.22
930	Петропавловск—Тошкент	яшанба, пайшанба кунлари			
921	Тошкент—Москва	23/05 дан бошлаб	8.30		11.00
922	Москва—Тошкент	яшанба, пайшанба кунлари			
918	Тошкент—Москва	кунора, тоқ кунларда	21.30		11.00
917	Москва—Тошкент	кунора, жуфт кунларда			
941	Тошкент—Новосибирск	ҳар кунини	14.57		19.40
942	Новосибирск—Тошкент	ҳар кунини			21.20
323	Тошкент—Москва	11/06 дан бошлаб	18.05		10.24
324	Москва—Тошкент	жума кунлари			
		17/06 дан бошлаб			
		пайшанба кунлари	8.55		

УРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ  
«ТОШКЕНТ—ЖАНУВИЙ» СТАНЦИЯСИ БУЙИЧА  
ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ  
1993 йил 23 майдан бошлаб  
(маҳаллий вақт билан)  
Жанувий вокзал

188	Бишкек—Жалолобод	ҳар кунини	12.59	5	13.04
80	Тошкент—Душанба	ҳар кунини			20.35
79	Душанба—Тошкент	ҳар кунини	11.15		
90	Тошкент—Ашгабад	ҳар кунини			17.10
89	Ашгабад—Тошкент	ҳар кунини	9.52		
54	Тошкент—Қўнғирот—Нукус	ҳар кунини			17.30
53	Қўнғирот—Нукус—Тошкент	ҳар кунини	3.02		
62	Тошкент—Бухоро	ҳар кунини			18.20
61	Бухоро—Тошкент	ҳар кунини	7.40		
24	Москва—Душанба	кунора, тоқ кунларда	19.05	5	19.10
58	Тошкент—Волгоград	кунора, тоқ кунларда			19.35
57	Волгоград—Тошкент	кунора, тоқ кунларда	10.12		
658	Тошкент—Андижон	ҳар кунини			19.45
657	Андижон—Тошкент	ҳар кунини	5.40		21.10
66	Тошкент—Китоб	ҳар кунини			6.10
65	Китоб—Тошкент	ҳар кунини	6.10		21.45
236	Самара—Андижон	яшанба, жума кунлари	21.40	5	21.45
34	Москва—Андижон	ҳар кунини	21.50	5	21.55
60	Тошкент—Андижон	ҳар кунини			22.50
59	Андижон—Тошкент	ҳар кунини	7.10		
656	Тошкент—Самарқанд	22/05 дан 29/08 гача			
655	Самарқанд—Тошкент	ҳар кунини			23.45
924	Тошкент—Душанба	кунора, жуфт кунларда	16.25		
918	Тошкент—Москва	кунора, тоқ кунларда	9.04	5	9.09
		ҳар кунини	19.54	3	19.57

Жадалла ўзгартирилган бўлиши мумкин.  
МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШИ УЧУН ТЕЛЕ-  
ФОНЛАР: 005, 32-40-49, 99-72-15.  
УРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ  
ТОШКЕНТ ВУЛИНМАСИ.

ДИҚҚАТ!  
ШУ ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ  
ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН  
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЯНГИ ТАРИФ  
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ  
1 киловатт-соат қувватининг баҳоси — 1 СУМ.  
11 ИЮНГАЧА қараларни эски тариф бўйича — 40  
ТИНИНДАН ТУЛАШ МҮМКҢ.  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БОШ-  
ҚАРМАСИ.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ва шу институт клиникисини жамоалари Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг қон қуйиш станцияси бош шифокори  
Кошифхон Султонмуредович  
АМИЛОВНИНГ  
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



Америка академияси томонидан таъсис этилган аънавий «Оскар» мукофоти бир неча саноаткор қатори машҳур италийан режиссёри Федерико Феллинига ҳам берилди.  
СУРАТДА: Софи Лорен ва Марчелло Матрониани (чапдан) Федерико Феллинини мукофот билан қутламоқдалар.



Шу йил 1 апрелдан бошлаб Москва новвойхоналарининг биринида энг катта батонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айтишларича бу нон маҳсулотини йил давомида қотмас экан.

СУРАТДА: янги ишлаб чиқарилган батонини машинга ортиш пайти.

АҚШ Нью-Гэмпшир штатинида истиқомат қилаётган Пол ва Шарон Селпала оиласида яқинда яна бир фарзанд дунёга келди. Энди оиланидаги тўқтинчи болалар Том, Энди, Рон, Кевин, Жеффри, Деник, Стифен, Скотт, Растилар қаторига жанжик Роджерри ҳам келиб қўшилди. Уларнинг онаси Шарон «Менинг орауми ўнга бола туғиш эди» деб таъкидлади.

### Тошкент оқшоми

Муассислар: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитида рўйхатга олинган.  
Рўйхат соми — 090101.  
Шанба ва яшанбадан таъқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.  
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.  
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўриликни учун жавабгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.  
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.  
Вултурини 1-226, 19919 нузда босилди, ҳажми — 2 босма табак. Обсет усулида босилган, Қоғоз бичими А—2, Ншир қўрсаткичи 64690.